

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙ БИЛАН ИЛМИЙ - ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ

Бурхон Бўронович Жаҳонгиров

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Ахроржон Бурхон ўғли Бўронов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейинги даврда Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Шунингдек Ўзбекистон ва Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида декларация имзоланган бўлиб, шу асосда Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, Олий таълим муассасалари ва бошқа илмий марказларнинг хитойлик ҳамкорлари билан олиб борган ҳамкорлик алоқалари ва уларнинг натижалари хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Фанлар академияси, илмий марказлар университет, институт, лицей, илмий салоҳият, илм-фан, илмий-тадқиқот, илмий ҳамкорлик, халқаро алоқа, шартнома, конференция, илмий семинар.

SCIENTIFIC AND TECHNICAL RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA

Burkhon Buronovich Jahongirov

Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

Akhrorjon Buronovich Buronov

Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

ABSTRACT

This article analyzes the development trends of relations between Uzbekistan and the people's Republic of China in the post-independence period. In addition, the declaration on the further development and strengthening of partnership relations,

friendship and cooperation between Uzbekistan and China was signed, and on this basis the issues of cooperation and their results with foreign partners of research institutes, higher educational institutions and other scientific centers of the Academy of Sciences of Uzbekistan are discussed.

Keywords: Academy of Sciences, scientific centers University, Institute, Lyceum, scientific potential, Science, Research, Scientific Cooperation, International Communication, contract, conference, scientific seminar.

КИРИШ

Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг асосий тамойиллари кўплаб ҳужжатларда ўз аксини топган. Улардан, 1992 йилнинг 13 мартида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган “Илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”, “Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома” (2005 й.), “Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация (2012 й.)”, “Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома (2013 й.)”, “Иккитомонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация (2013 й.)”, “Ўзбек-Хитой ҳамкорлигини янада кучайтириш тўғрисидаги қўшма декларация (2014 й.)”, Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув битими (2016 й.) ва Халқаро автомобил транспорт йўли тўғрисидаги битим (2017 й.) фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий негизи турли жабҳаларни камраб олган 220 дан ортиқ ҳужжатларда ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатдорлик, тенглик, очиқликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини тез суръатлар билан ривожланиб боришининг заминида авваламбор, уларнинг тараққиёт принциплари ва ташқи сиёсат стратегиясидаги ўхшашлик, яқинлик ҳамда мақсад-муддаоларнинг уйғунлиги ҳолати ётади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мавзуни тадқиқ этишда тарихийлик, объективлик, тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маданий, илмий - техникавий ҳамкорлик масалалари доирасида Ўзбекистон Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси жорий архиви, Олий таълим муассасалари жорий архиви фондлари материаллари, Сазанов С, Хасанов У, Қирғизбоев А, Кузьмина Е, Рахматов У,

Дўстов У, Идиоров У, Ёрозов А ва бошқа тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ва илмий - тадқиқот марказлари билан иқтисодий, маданий, илмий - техникавий алоқалари ўз аксини топган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистоннинг Хитой Халқ республикаси билан илмий-техник ҳамкорликлари муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Мазкур ҳамкорлик 1992 йилнинг 13 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган “Илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”га мувофиқ амалага оширилади. [1]

Битимни имзолашда ҳар икки томон ҳам илм ва техникани ривожлантириш, ўзаро тенглик ва манфаатдорликни таъминлаш, шунингдек, бу илмий-техник ҳамкорлик ҳар иккала давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун ёрдам бериши лозимлиги талабларидан келиб чиққан.

Мазкур битим қуйидагиларни кўзда тутди:

-илмий-техник делегациялар, олимлар ва мутахассисларнинг ўзаро алмашинувини ташкил қилиш;

-илмий-техник информация ва ҳужжатларнинг, турли буюм ва материалларнинг, “нау-хау” ва лицензияларнинг ўзаро алмашинуви;

-илмий-техник симпозиум ва илмий конференциялар ташкил қилиш;

Ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш ва тадқиқот натижалари ҳамда ишланмалар билан ўзаро алмашинув. [2] Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хитой билан радиофизика, яримўтказгичли материаллар ва ускуналар, бошқаришни автоматлаштириштизими учун ЭХМдан фойдаланиш, астрофизика, микробиология, биотехнология, вирусология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, тупроқшунослик ва агрокимё соҳаларида ҳамкорлик қилади.

Фанинг Ботаника институти билан ҳамкорликда Копеттоғ ва Помир, Оролбўйи минтақаларига экспедициялар уюштирилди ва унинг натижасида кенг кўламли, бой гербарийлар йиғишга муваффақ бўлинди. “Биолог” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Сичун (ХХР) Қишлоқ хўжалик фанлари Академиясининг Пахтачилик институти билан тўзанинг элита уруғлари ва энг яхши навларини сақлаб қолиш ва қайта тиклашиш биохимик технолгияларни ишлаб чиқиш ҳамда уруғчилик ишларини янада яхшилаш мақсадида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Шартнома тузд. [3]

ЎзФАТарих институтининг илмий ходимлари 2003 йилда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган халқаро илми анжуманида маърузалар билан иштирок этди. [4]

Биокимия институти шартнома доирасида Тяньцин биокимия ва фармацевтика заводи (ХХР) билан ҳамкорликда хавфли ишларга қарши антивирус препаратларни ишлаб чиқариш борасида талқиқотлар олиб бормоқда. [5]

Сейсмология институти Хитой Халқ Республикасида сейсмологик бюросига қаршли илмий станцияда илмий-тадқиқотлар олиб борилди. ХХР ФА нинг Сейсмология бюроси мутахассислари томонидан Ўзбекистондаги учта сейсмик станцияни станция қайта жиҳозлаш тўғрисида Шартнома тузилди.

ФАнинг Кимё ва ўсимли моддалари институти билан ХХР ФА нинг Кимё институти ўртасида ҳам яқин илмий алоқалар ўрнатилган. Ўзаро ҳамкорликдаги режага асосан бу икки маскан олимлари ХХР да ўсадиган –ўза барглари нинг таркибини таҳлил қилиш ва ўрганиш, ХХРда ва Ўзбекистонда ўсадиган ўза барглари ни қиёсий ўрганиш, шунингдек, ўсимликлар ўсиши стимуляция қилишини синовчи Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган стимуляторларни биргаликда синовдан ўтказишни режалаштирган. [6]

Томонларнинг ўзаро келишиувига кўра, 1999 йилда савдо иқтисодий алоқалар бўйича Халқаро ҳукумат комиссияси доирасида илмий-техник ҳамкорлик юзасидан ҳам кичик комиссия тузилди. Мазкур кичик комиссиянинг 2000 йил июлда Тошкентда бўлиб ўтган илк мажлисида унинг мақсад ва вазифалари, иккала давлат ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўнлаишлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон олимлари ХХР ФАнинг Геохимё институти билан ҳамкорликда кўшма дала тадқиқотлари ўтказди. Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги Академиясининг Микробиология институти билан биргаликда, (1991 йилда тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида) микроорганизмлар ёрдамида оқар сувларни тозалаш муаммолари ва яшил сув ўтларидан фойдаланиш воситасида тупроқ таркибинисоғломлаштириш борасида кўшма тадқиқотлар олиб бормоқда. [7]

Ҳамкорликдаги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш борасида: ҳамкорликдаги сейсмологик лаборатория ташкил илиш тўғрисидаги келишувга эришилди. 2001 йил июлида кўшма станция ташкил қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ Хитой томони (Хитой

сейсмик бюроси) 400минг АҚШ долларига тенг қийматга эга бўлган зарур асбоб-ускуналарни ажратди. Ўзбекистон томони эса (Ўзбекистон Фанлар Академияси) коммунал хизматлар учун тўловлар учун тўловларни, ходимларга маошни тўлаш учун, шунингдек, бошқа харажатларни қоплаш учун зарур бўладиган 6 миллион сўм миқдорида маблағажратишга қарор қилди. Энергетика, материалшунослик, пахтачилик соҳалари бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқилмоқда. 2001 йилда 5 нафар Ўзбекистонлик мутахассислик Хитойдаги курсларда ўқиб, ўз малакаларини ошириб келди.

2001 йил октябрь ойида Тошкентда семинар ўтказилди. Мазкур семинарда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокам қилинди. Семинарда иккала давлат ўртасида илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш, уларга амалий йўналиш бериш ҳамда бу алоқаларнинг муайян натижаларига эришмоқ зарурлиги тўғрисида ягона фикрга келинди. Ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориш учун хитойлик мутахассисларнинг кичик гидроэнергетика соҳасидаги ютуқлари, яъни халқ хўжалигида қуёш энергияси ва шамол кучидан фойдаланиш соҳасидаги тажрибалари ҳам кенг имкониятлар очиб беради. [8]

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар билан ўзаро алмашилиш борасида 2002 йил апрелида ўтказилган “Ўзбекистон Хитой фан-техникаси кунлари” ҳам жуда катта роль ўйнади. Зеро, мазкур тадбирда хитойлик олим ва мутахассисларнинг фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари, юқори технологиялардаги натижалари кўргазмага қўйилди. Ушбу кўргазманинг ташкилотчилари ХХР Фан ва Техника вазирлиги, Хитой илмий-техник алмашинув маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазмрлар Маҳкамасининг илмий-техник тараққиёт бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши қошидаги Фан ва техника маркази бўлди. Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон кўргазмалар марказида” Хитой Халқ Республикасининг юқори авиация тезнологиялари, янги материаллар, шунингдек, геологоразведка, нефть қазиб чиқариш ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш, гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил ва озиқ овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги энг янги илмий ишланмалари намойиш этилди. [9]

Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда (2005 йил майда) ва Самарқанд шаҳрида (2013 йил сентябрда) очилган Конфуций институтлари ўзбекистонликларни хитой тили ва маданияти билан яқиндан таништириб

келмоқда. Ушбу институтларни ўтган 11 йил давомида Хитой билан Ўзбекистон дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 3 мингдан ортиқ мутахассислар битириб чиқдилар. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати ҳомийлигида Ўзбекистон олий ўқув юртларида хитой тилини ўқитиш бўйича замонавий марказлар ташкил этилди.[10]

Хитой Марказий миллатлар университетида (2010 йилдан) ва Пекин чет тиллар университетида (2012-2013 ўқув йилидан) ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилди. Хитойнинг нуфузли ўқув академик муассасаларидан бири ҳисобланган Шанхай Халқаро тадқиқотлар университетида алоҳида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 2016 йилнинг сентябридан Шанхай олий ўқув юртида факультатив дарс сифатида ўқитилмоқда. [11]

Икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида ХХР ҳукумати 2012-2013 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрларга грантлар ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетида ўзбекистонлик 50 га яқин талаба таҳсил олмоқда. [12]

2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ халқ дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ватанимиз тарихи ҳамда ривожланишини яқиндан ўрганиш мақсадида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Унинг мутахассислари Ўзбекистонда рўй бераётган замонавий жараёнларни кузатиб бормоқдалар. [13]

Хитой ва Ўзбекистон ўртасида 2014-2017 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорликка оид дастур (2013 йил ноябрь) қабул қилинди. Икки томонлама маданий муносабатларни мустаҳкамлашда 1998 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон-Хитой” ва 2007 йил ўз фаолиятини бошлаган “ХХР-Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки мамлакат дўстлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро делегациялар алмашинуви давлатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. [14]

Хитой қадимги маданий ёдгорликлари ишлари бўйича давлат бошқармаси, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой Шимоли-Ғарбий университети вакиллари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан археологик тадқиқотлар ва тарихий обидаларни реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик қилмоқдалар. Улар Буюк Ипак йўлининг тарихий кўринишини қайта тиклаш борасида изланишлар олиб бормоқдалар. Хитойлик машҳур ёзувчи Лаошэнинг ўзбек тилига ўгирилган “Мушуклар шаҳри хотиралари” асари

китобхонларимизга Хитой адабиёти билан танишиш имконини бермоқда.
[15]

2017 йил 13 мартда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги арафасида Шанхай университетида буюк аллома Алишер Навоий ҳайкали очилди. Таъкидлаш жоизки, икки далаат ўртасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида метропол субъектлар (Тошкент-Шанхай, Самарқанд-Сиан шаҳарлари, Навоий-Чжучжоу, Тошкент-Хунан, Самарқанд ва Шенси вилоятлари) ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатилганлиги натижасида икки мамалакат худудларининг алоқалари ривожланиб бормоқда. [16]

ХУЛОСА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ХХР билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Бинобарин, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида Хитой билан бўлган муносабатлар долзарблигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХХР билан ташқи савдо, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликлар жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойнинг Ўзбекистонга қаратилган ташқи сиёсатида ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ва Хитой узоқ тарихга, ноёб маданият ҳамда улкан интеллектуал салоҳиятга эга. Бу давлатлараро гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш, шунингдек, ўзаро маданий алоқаларни янада ривожлантиришни давр тақозо қилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон-Хитой алоқаларининг ҳозирги ҳолати давлатларимизнинг бир-бирлари билан узоқ муддатли стратегик ҳамкор эканликларидан далолат беради. Бу эса, икки мамлакат халқларининг миллий манфаатларига ва ҳозирги замон талабларига тўла мос келади. Икки мамлакат ўртасидаги мулоқотлар, алоқалар изчил ривожланиб бораётган халқаро муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этади ва келажакда янада самарали натижаларга эришишга кенг имкониятлар яратади.

REFERENCES

1. The Republic of Uzbekistan agreed on the republic. III-book. T:1992.18-19
2. The Republic of Uzbekistan agreed on the republic. III-book. T:1992.19-20

3. The Republic of Uzbekistan FA zhor archive / Narodnaya nauka o sotrudnichestvo 1995 y 3-bet. The people of National Science-tech cooperation.1996,
4. Republic of Uzbekistan falsification of the Institute 2003 yil report.15
5. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations between Uzbekistan and Japan. Academic Research in Educational Sciences, 2021.2 (Special Issue 1),312-318.
- The Republic of Uzbekistan FA Gori archive / 1999 Yili bajarilgan of ishlar haqida.14
6. Kyrgyzstan AUzbekistan Republic of Uzbekistan Republic of Asia actively cooperates with the people of the UAE. - Tashkent. "Subject".2004. 198
7. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific cooperations between uzbekistan and foreign Countries. Academic research in educational contents.2021. Volume 2, Issue 2, 986-994.
8. People's essays 2002. April 13
9. Khasanov U. A. The Dedication of the Nation. - T.: ZHIDU, 2007. 91
10. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations of uzbekistan with european countries. Journal of look. To the past.2021.Volume, 4, issue 2. 16-21.
11. People's essays 2014, May 21
12. Sazonov S. L. Reflex transport system of the People's Republic of China and the Morovaya financial and economic crisis// Problems of the Far East, 2010.No.2.P.29.
13. Rakhmatov U., Dugai P. Uzbekistan-XXR: "Gibraltar for the export of "partnership" and travel " /Haka. 2012, May 2.
14. Friendship For beginners Uzbek-China initiation (2010-2018) 2019 yil January 30
15. Urozov.A.Uzbekistan-China: Strategist Sherrick and the Yanda Ridgeline dedication friendship are legal.2017.12.05